




ТОШКЕНТ

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KUTUB PALATASI
INV. M.

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

ОҚШОМИ

№ 132 (9.170)

1998 йил

9 ноябрь, душанба

Сотувда эркин нархда

ИСЛОМ КАРИМОВГА ЮНЕСКОНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ ТОПШИРИЛДИ


ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг Тошкентда бўлиб ўтган якуний йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга ташкилотнинг Абу Али ибн Сино номидаги олтин медали топширилди.

ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор медали тақдим этар экан, давлатимиз раҳбари халқаро доирада инсон идеалларини улуғлаш, маданий қадриятларни асраб-авайлаш, илмий меросни ўрганиш борасидаги хизматлари учун бу мукофотга сазовор бўлганини таъкидлади.

— Президент Ислам Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон ўзининг шонли ўтмишини ҳам очмоқда, — деди у. — Порлоқ келажакка юз тутган мамлакатда демократия тамойиллари мустаҳкамланмоқда, миллий қадриятларга эса қайта жон бағишланмоқда.

Давлатимиз раҳбари шундай нуфузли ташкилотнинг мукофотида муносиб деб топилганидан мамнуният изҳор этиб, улуғ аллома бўлган ватандошимиз Абу Али ибн Сино номи билан аталган мазкур халқаро мукофот ўзи учун катта шараф эканини таъкидлади.

— Бу олий мукофот, — деди Ислам Каримов, —



(ЎзА).
Абдувоҳид Тўраев
олган сурат.

энг аввало кўп миллатли халқимизнинг умумбашарий цивилизация тараққиётига қўшган ҳиссаси ва хизматининг тан олиниши, тарихий, маданий, маънавий меросни асраб-авайлаш, мамлакатимизда жамиятни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан юксалтириш, соғлом ва комил авлодни тарбиялаб вояга етказиш, қисқача қилиб айтганда, халқимизни маърифат йўлига бошлаш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз, гуманизм ғояларига ҳурматимиз, эътиқодимизнинг муносиб баҳосидир.

Мамлакатимиз Президентининг ЮНЕСКО олтин медалига сазовор бўлиши, ҳақиқатан ҳам, халқаро ҳам-жамиятнинг Ўзбекистон ижтимоий ва маданий ҳаётида кечаётган улкан ўзгаришларни эътироф этишидан далолатдир. Зеро, мустақилликка эришганига атиги етти йил тўлган мамлакатнинг иқтисодиёт, сиёсат ва бошқа муҳим соҳалар билан бирга миллий қадриятларга ҳам катта эътибор қаратаётгани, шубҳасиз, таҳсинга лойиқдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЮНЕСКО МЕДАЛИНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Мухтарам Бош директор Федерико Майор жаноблари!
Мухтарам раис!
Мухтарам Ижроия Кенгаши аъзолари!

Хонимлар ва жаноблар!

Авалло мен ЮНЕСКОнинг юксак мукофоти — халқаро Абу Али ибн Сино олтин медали билан тақдирлагани учун ЮНЕСКОга чексиз миннатдорлик изҳор этишга рухсат бергайсиз. Ушбу медалнинг орадан минг йиллар ўтса ҳам Шарқу Фарбнинг барча маърифатли кишилари ҳамон ҳурмат-эҳтиром билан тилга оладиган буюк ватандо-

шим номи билан атилишининг ўзи мен учун катта маъно касб этади. Фан ва тафаккурнинг кўп соҳаларида башариётга бебаҳо мерос қолдирган буюк қомусчи олим номи билан аталувчи медал соҳиби бўлганим билан мен беҳад фахрланаман.

Абу Али ибн Сино орадан ўн аср ўтса ҳам ноёб қиммати ва илмий аҳамиятини йўқотмаган «Тиб қонунлари» асари билан ўзига ўлмас ҳайкал қўйиб кетди.

Федерико Майор жаноблари!
Мазкур медални Сизнинг, миллион-миллион кишилар онгига интеллектуал

тафаккур ва инсоният ўз тарихи мобайнида яратган маънавий мерос, юксак инсонпарварлик ғоялари, тинчлик ва адолат рамзи бўлиб шаклланган ЮНЕСКО Бош директорининг қўлидан олаётганим менга, айниқса, катта қувонч бағишлайди.

Мухтарам Ижроия Кенгаши аъзолари!

Қадри дўстлар!

Бу олий мукофот энг аввало кўп миллатли халқимизнинг умумбашарий цивилизация тараққиётига қўшган ҳиссаси ва хизматининг тан олиниши, тарихий, маданий, маънавий меросни ас-

раб-авайлаш, мамлакатимизда жамиятни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан юксалтириш, соғлом ва комил авлодни тарбиялаб вояга етказиш, қисқача қилиб айтганда, халқимизни маърифат йўлига бошлаш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз, гуманизм ғояларига ҳурматимиз, эътиқодимизнинг муносиб баҳосидир.

Ушбу юксак ғоялар тантанаси учун мен бундан кейин ҳам бор куч-ғайратини аямайман. Юксак мукофот учун барчангизга яна бир бор ўз миннатдорлигимни билдираман.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

Тошкент шаҳар ҳокимлигида 6 ноябрь кун республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998-1999 йил кузги-қишқи даврга иқтисодиёт тармоқларини тайёрлаш тўғрисидаги қарорининг шаҳар коммунал-ҳўжалик бошқармаларида бажарилишининг боришига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлагов олиб борди. 1998 йилда пойтахтда ана шу тайёргарлик ишларини амалга ошириш учун 1,6 миллиард сўмлик маблаг ажратилганлиги, 800 та турар жой биносини капитал таъмирдан чиқариш кўзда тутилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, ҳудудий-коммунал фойдаланиш бирлasmаси бош директори Виктор Дорохов пойтахт-мизда олиб борилган кузги-қишқи тайёргарлик ишлари тўғрисида ахборот берди ва бу борада ечилиши лозим бўлган айрим муаммолар хусусида тўхталди. Шунингдек, йиғилишда сўзга чиққан Чилонзор туман ҳокими Анвар Алиев, Шайхонтоҳур туман ҳокими Абдуқаҳор Тўхтаев, Юнусобод туман ҳокими Шукрутдин Пахрутдиновлар соҳадagi бажарилиши лозим бўлган масалалар хусусида тўхталдилар.

Шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев мактаб ва боғчаларнинг кузги-қишқи тайёргарлиги ҳақида гапирди. Шунингдек, йиғилишда бу йўналишда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, аҳоли билан доимий алоқада бўлиш, одамлардан тушган аризаларни ўз вақтида ҳал этиш хусусида ҳам гапирилди ва соҳа ходимларининг ўз олдидан турган вазифаларини сидқидилдан адо этиши уқтириб ўтилди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари Рустам Юнусов сўзга чиқди.

Ҳамкорлик

КОРХОНА САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН

Чехиядаги «Син-Фарнос» фирмаси иш-рокида ташкил қилинган «Форост» ўзбек-чех қўшма корхонаси Ўзбекистонда таълимий жараёнларни ривожлантириш ишига ҳам ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

Бу корхонанинг Тошкент ирригация ва киш-лоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти билан ҳам-корлиги айниқса самарали бўлмоқда.

Ўзбек-чех қўшма корхонаси бу олий ўқув ор-тида лицейни очишга бош қўшди. Янги турда-ги мазкур ўқув даргоҳи ирригация ва мелiorация ихтисослиги бўй-и-ча ҳам ўқувчи ёшларга таълим бераётир.

«Интер Хаус» деб номланган янги лицей Чехиядаги таълим тиз-ми тажрибалари асоси-да ўқув дастурини ярат-ди. Бунда Чехиянинг Брно шаҳридаги экогимназия билан ҳамкорлик қўл кел-ди. Лицей билан гимна-зия узоқ муддатли шарт-нома асосида иш кўрмоқ-да.

Узро келишувга асо-сан лицейда чех тилини ўқитиш ҳам йўлга қўй-лади. Бунинг учун Брно шаҳридан чех тили ўқи-тувчилари тақлиф этила-диган бўлди.

Алижон ВАЛИЕВ.

Ушбу кунни ҳамша-ҳарларимиз олти йилдан бери орзиқиб кутишганди. Зеро, биринчи миллий чемпионатда ғолибликни қўлга киритган «Пах-такор» жамоаси сўнг-ра кўп йиллар ўз ўйинини йўқотди. Фақат бразилиялик мутахассис Вега да Сильванинг бой таж-рибаси аjoyиб так-тик маҳорати қўл ке-либ ушбу мавсумда яна ўз мавқеини тик-лашга муваффақ бўлди.

Ўтган жума кун «Пах-такор» марказий ўйинго-ҳига ташриф буюрган 40 мингга яқин мухлис-лар «Навбахор» билан ўйин-да севимли жамоамиз албатта ғалаба қозони-шига ишонадилар. Дар-ҳақиқат ўйин «Пахта-кор»нинг ҳужумлари би-лан бошланди. 4-дақиқа-да рақиблар ўз жарима майдончаларида ўйин қондасини бузганликлари учун белгиланган пе-нальти орқали ушбу мав-сумда ўзининг «иккинчи ёшлиғи»ни бошидан ке-чираётган моҳир тўпура-римиз Игорь Шквирин ҳисобни очди.

Иккинчи бўлимда қақ-қон ҳужумчи Д. Назаров майдонга тушиши билан ўйиннинг суръати янада ошди. Ўйин охиригача ҳамшаҳарларимиз бир нечта хавфли ҳужумлар уюштиришган бўлишса-да, улар самара келтир-мади — жамоамиз ўйин-чиларига ҳал қилувчи да-қиқаларда аниқлик ва со-вуққонлик етишмасди. Ўйин тугашига яқин кес-кин ҳужумларнинг бири-да Игорь Шквирин рақиб химоячилари қуршовида бўлишига қарамасдан қийин вазиятда иккинчи тўпни дарвоза тўрига ту-ширишга муваффақ бўл-



ЧЕМПИОНЛИК МУБОРАК, «ПАХТАКОР!»



ди ва жамоамиз ғалабаси-ни мустаҳкамлади. Шу та-риқа энг кучли рақиблари-дан бирини 2:0 ҳисобида енгган пойтахт футболчи-лари ҳақли равишда рес-публика чемпионлигини қўлга киритдилар.

Павел Бугало ва Илхом Шариповлар VII миллий чемпионатнинг ушбу охи-ри байроғини туширишга, «Пахтакор» мавсумда эришган айрим ютуқларни сарҳисоб қилиш жоиздир. Ҳа, бу йил миллий чем-пионатда жамоамизга тенг келадиган рақиблар топи-лади. Мавсум бошидан бе-

ри қаторасига 27 учрашу-ни мағлубиятсиз ўтказиб, шундан 24 та ўйинда ғала-ба қозонган «Пахтакор» ўзига хос рекорд ўрнатди. Рақиблар дарвозасига ҳо-зирга 94 та тўп киритган пахтакорчилар аjoyиб тўп-лар нисбати + 68 га эга бўлишди. 28-турда «Косон-сой» устидан чемпионатлар тарихида энг йирик — 8:0 ҳисобида ғалабага эришди. «Пахтакор»нинг икки ўйин-чиси — И. Шквирин ва М. Қосимовлар 22 тўп билан чемпионат тўпурақлари баҳсида карвонбошилиқ қилишмоқда. Бундан таш-қари командамиз Осиё Ку-

бок эгаларининг кубоги баҳсларининг чорак фи-налида қатнашиш ҳуқуқи-ни қўлга киритди. Ушбу муваффақиятларда ал-батта жамоа бош мураб-бийси Вега да Сильва, унинг устозлари А. Убайдуллаев ва Т. Шоймардонов, команда бошлиғи А. Тилибжонов-ларнинг хизматлари кат-та бўлди. Биз барча иш-қибозлар номидан жа-моамизни улкан муваф-фақият билан яна бир бор муборакбод этамиз.

Бугун

Иккита кечиктирилган ўйин бўлиб ўтади. «Пахтакор» Қаршида «Насаф» билан куч си-нашса, «Металлург» «Навбахор»ни қабул қи-лади. 12 ноябрь кун ҳамшаҳарларимиз Фарғонада «Нефчи» жамоаси билан белла-шадилар.

Дилшод ИСМОИЛ.
СУРАТЛАРДА: «Пахта-кор»нинг чемпионликка олиб келган учрашувдан лавҳалар.

Рустам Шарипов
олган суратлар.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ САМАРҚАНДГА ЖўНАБ КЕТДИ

Бугун

Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти Ислам Каримов Самарқанд ви-лояти Кенгашининг нав-батдан ташқари сессия-сида қатнашиш учун Са-

марқандга жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбарини Бош вазир Ўткир Султонов, Тошкент шаҳар ҳо-кимси Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

● 6 ноябрь кун Тошкентда ЮНЕСКО Ижроия Кен-гаши 155-сессиясининг якуний йиғилиши бўлиб ўт-ди. Унда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов нутқ сўзлади.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ЮНЕСКО Бош директори Федерико Май-ор ва ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши раиси Пал Патаки раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қил-ди.

● ЮНЕСКО делегациясининг аъзолари Ўзбекис-тон пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар, ўқув юртларида бўлдилар, кўҳна ша-ҳарлар — Самарқанд ва Бухорога саёҳат қилдилар.

● Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигида республикаимиздаги қатор шаҳарларда йўловчи та-шиш транспортини ривожлантириш кўзда тутилган лойиҳа бўйича семинар бўлиб ўтди.

● Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг кен-гайтирилган ҳайъат йиғилишида экспорт феолияти-нинг турли жиҳатлари қўриб чиқилди.

● Шайхонтоҳур туманидаги Умар Ҳайём номида-ги 180-гимназия-мактабда Ўзбекистон халқ таъли-ми аълочиси, олим-педагог М. Асқархўжаева ярат-ган республика Давлат байроғи тўғрисидаги қўшиқ-нинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● Самарқандда қишлоқ ҳўжалик жиҳозлари ва халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўйича кичик технология халқаро кўргазмаси очилди.

● Германиянинг Конрад Аденауэр номли жамғар-маси Ўзбекистон, Қирғизистон Республикалари ва-киллиги яқинда Олмалиқ шаҳрида семинар ўтказ-ди.

● Эртага Тошкентда одам аъзосида йод элемен-ти етишмаслигининг олдини олиш муаммоларига бағишланган халқаро симпозиум ўз ишини бош-лайди.

● Жиззахлик спорт ишқибози, олтмиш икки ёш-ли Абдумурод ота Султонов Москва ҳамда Нижний Новгород шаҳарларида ўтказилган Осиё, Африка, Европа мамлакатларидан келган беш мингдан зиёд югурувчилар орасида мустақил Ўзбекистондан яго-на вақил сифатида кузги халқаро тинчлик марафо-нида иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● «Ёшларнинг миллатларо ва маданиятларо муносабатлардаги роли. Мустақил Ўзбекистоннинг таърибиси» — Ана шундай шиор остида Лондонда талабаларнинг халқаро семинари бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонаси Шиллер номидаги халқаро университет билан ҳам-корликда уюштирди.

● Афғон толибончилари раҳбарлари Кобулда 10 та халқаро инсонпарварлик ёрдами кўрсатувчи таш-килотлар фаолиятини тиклашга рухсат этди. Халқа-ро ташкилотлар толибонлар талабларига кўра мах-сус биналарда иш юритишга розилик беришган.

● Ҳиндистон ва Покистон бир-бирини Қашмирга артиллерия ҳужуми уюштирганликда айбламоқда. Покистоннинг айтишича, ҳинд ҳарбийлари ушбу ҳу-дуднинг Покистонга тегишли қисмларига ҳужум уюш-тирган. Лекин Ҳиндистон мудофаа вазирлигининг маълум қилишича, покистонликлар биринчи бўлиб ҳиндларга ўт очган. Икки давлат ўртасида Қашмир масаласи бўйича тинчлик музокаралари қайтадан бошланиши кутилмоқда.

● Франция «Митч» кучли тўфонида зарар кўрган Марказий Америкага 90 тонна инсонпарварлик ёр-дами юклари ортлган самолётни жўнатди.

● Кеча Американинг «Дискавери» космик кемаси ерга қўнди. Бир ҳафтадан зиёд муддат мобайнида кема бортида 77 ёшли астронавт Жон Гленн ҳам парвоз қилди. У космосга парвоз қилган энг кекса астронавт бўлиб қолди.

● Россия Бош вазирин Евгений Примаков шу ой охирида Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда ўт-казиладиган Осиё ва Тинч океани минтақаси дав-латлари учрашувида қатнашади. Унда Евгений При-маковнинг биринчи мартаба АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашуви ҳам кутилмоқда.

● Кўп кунли кучли ёмғирлар оқибатида юз бер-ган сув тошқини фарбий Украинадаги юздан ортиқ шаҳарлар ва қишлоқларнинг уйлари ҳамда йўлла-рига катта зарар етказди.

● Туркия Президенти Сулаймон Демирэл Россия ҳўкуматида қурд сепаратчилари ишчи партиясининг раҳнамаси Абдулла Оджаланга мамлакат ҳудудидан бошлана бермасликни сўраб расман мурожаат эт-ди. Россия Давлат Думасида депутатлар Оджалан-га мамлакатдан бошлана бериш учун Президент Ельцинга мурожаат этишганидан сўнг Анқара шун-дай қарорга келган.

● Исроил Бош вазир Б. Нетаняху Исроил-Фалас-тин муносабатлари қўриб чиқилиши мўлжалланган ҳўкумат мажлисини номаълум муддатга кечиктириш-га қарор қилди. Бунга фаластинликларнинг террор-чилик билан курашиш бўйича ҳаракат дастури юза-сидан бир тўхтамага келмаганлиги сабаб бўлди.

● Байрут портида қутилмаганда нефть танкерла-ридан бири ёниб кетди. Маълум бўлишича, минг тоннага яқин нефть маҳсулотлари сувга оқиб кет-ган ва ёнган тўфайли танкернинг назорат пунктла-рига жиддий зарар етган. Ҳозирда мазкур борт рас-мийлари ёнган сабабини аниқлашмоқда.

● Страсбургда Европа Иттифоқида аъзо мамла-катлар ички ишлар вазирларининг икки кунлик кен-гаши ўз ишини ниҳоясига етказди. Ушбу кенгаш уюшган жиноятчиликка ва коррупцияга қарши ку-раш муаммоларига бағишланган эди.

● Ҳиндистон Хитой билан ўртадаги баҳсли маса-лалар бўйича самарали расмий мулоқотни бошлашга тайёр эканлигини билдирди.

● Малайзияда собик молия вазири Анвар Ибро-ҳим устидан ўтказилаётган суднинг дастлабки бос-қичи ниҳоясига етди. Куала-Лумпурдаги судда асо-сан ҳўкумат аъзолари иштирок этдилар. Зотан, Бош вазир Махатхир Мўхаммад тарафдорлари Анвар Иб-роҳимнинг жазоланишини талаб қилмоқдалар.

● Кеча Россияда Ярашиш ва тотувлик кунини ни-шонланди.

● Бокунда муҳолифатчилар билан ҳўқуқ-тартибот идоралари вакиллари ўртасида рўй берган тўқна-шув оқибатида 14 киши жараҳат олди.

Хар бир давлатнинг Асосий Қонуни сифатида ўзининг Конституцияси бошқа қонунлардан ажралиб турган ўзига хос тамойиллар билан яратилади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган биринчи Конституцияси жамиятимизнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлардан ташкил этилиш шакллари аниқлаб берди, бозор муносабатларини, мулкчиликнинг турли-туман шакллари тегна ҳуқуқлигини ҳамда қонун билан муҳофаза этилиш ҳолларини ўзида мустаҳкамлади.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек: «Конституция давлати давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомусномидир».

Шундай экан, мустақил давлатимиз Асосий Қонунининг қабул қилинганидан бери ўтган вақт мобайнида у республикамиз суверенитети ва давлат мустақиллигини, Ўзбекистоннинг ижтимоий ва давлат тузумини, инсоний қадриятлар ҳамда халқро ҳуқуқ устуворлигини мустаҳкамлади, фуқаролик жамиятини тан олиб тасдиқлади ва ўзини-ўзи бошқариш шакллари аниқлаб берди.

Ушбу қонуннинг энг қimmatли томони шундаки, у инсон билан жамият, инсон билан давлат ўртасидаги муносабатларни ўзида мужассамлаштирди. Асосий қомусимиз, муқаддима, олтинчи бўлим, XXVI боб, 128-моддadan иборат.

Биринчи бўлим — «Асосий принциплар» тўрт бобдан иборат, уларда давлатчиликнинг асосий тамойиллари, давлат суверенитети, халқ ҳокимияти, қонун устуворлиги ҳамда Ўзбекистон давлатининг ташки сийсатининг асосий принциплари баён этилган.

Иккинчи бўлимда «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» кўрсатилган. Эътиборли томони шундаки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари умумий декларациясида, ижтимоий, иқти-

содий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро битимда, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро битимда назарда тутилган инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда бурчлари алоҳида-алоҳида боб сифатида аниқ, батафсил ифода қилинган.

Учинчи бўлим — жамият ва шахснинг ўзаро муносабатларида бағишланиб, жамиятнинг иқтисодий (негиз-

Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси ўзининг бир қатор хусусиятлари томонлари ва принциплари билан бошқа қонунлардан ажралиб тургани ҳамда у жаҳон талаби даражасида эканлигидан далolat беради:

1). У Мустақил давлатнинг «Асосий қонуни» эканлиги, ўзида давлатнинг барча рамзий белгиларини ифодалаганлиги, тили, урф-одатлар ва аъна-

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
қонун олабдан

ХАЛҚ ДОНОЛИГИ ВА ТАФАККУРИ МАҲСУЛИ



ни) асосларини мустаҳкамлайди ҳамда жамоат ташкилотлари, оила, оммавий ахборот воситалари масаласига бағишланди ва уларнинг фаолиятини ўзида тўла акс эттирди.

Тўртинчи бўлим — республикамизнинг маъмурий-ҳудудий ҳамда давлат қурилиши масалаларига ўз эътиборини қаратиб, уларни тўла ифода қилиб берди.

Бешинчи бўлим — Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат фаолиятининг асоси бўлган масала — республика давлат ҳокимиятининг ташкил этилишини, сайлов тизимини, прокуратура фаолиятини, молия-кредит тизимини, мудофаа ва хавфсизликнинг ташкил этилишини ўзида кенг ифода қилади.

Олтинчи бўлимда эса Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби белгиланган.

Шундай қилиб, ушбу Конституция халқнинг хоҳиш-иродасини ўзида мужассамлаштирган ва давлатнинг ривожланиш хусусиятларини белгиланган мустақил давлатимизнинг асосий қомуси сифатида намоён бўлди.

наларини ҳурмат қилинишини таъминлаганлиги билан;

2). Биринчи марта, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизимини белгиланган масала — республика қонун чиқарувчи (Олий Мажлис), ижро этувчи (Президент ва Вазирлар Маҳкамаси) ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципларини ўзида аниқ белгиланганлиги билан;


3). У Ўзбекистон Республикасида қонун устуворлигини таъминлаб, бирорта қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция нормаларига ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслигини ўзида белгиланганлиги билан;

4). Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларда тўла ҳуқуқий субъект бўлиб, давлатнинг суверен теглигини, чегараларнинг дахлсизлигини, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига


Эски «Спартак»
ўйингоҳи ўрнида қад
қўтарган Тошкент
вилояти ҳудудлари
бўйлаб қатнайди
йўловчи машина
ларнинг сўнгги бека
тидан ўнг қўл томон
юқорилаб борсангиз
суратда тасвирлан
гани каби кўрмисиз
гина қатта майдон
га кўзингиз тушар
ди.

Бу ерда илгари ўйингоҳнинг эски идораси, кураш зали жойлашган. Улар орасидаги эски иморатлар ўрнида яхлит бир бўшлиқ жой бўлиб, ундан сал нарида нураб тутдай тўқилар деб турган 8 та хонадон бор эди. Биз таърифлаётган ушбу ҳудудни бугун бундан уч ой олдингиси билан сира таққослаб бўлмайди. Сабаби шу қисқа муддатда бу жойда замонавий муҳташам бир бозор ташкил топди, у ҳар қандай мактовга арзигулик.

Чиройли йўлқалар, бир хил кўринишга эга бўлган расталар оралаб борар экансиз бу ердаги ўзгаришлардан баҳридингиз очилади, чиндан ҳам инсон қўли гул эканлигига яна бир қара ишонч ҳосил қиласиз. Албатта шу ўринда ўз ўзидан «Хўш, бу бозорнинг бунёдкорлари кимлар?» деган савол туғилиши табиий. Бу гўзал манзаранинг ижодкорлари аввало лойиҳачилар, қолаверса уларнинг меҳнатларини рўёбга чиқарган қурувчилар.



«ЭСКИ ЖУВА»НИНГ ЯНГИ БОЗОРИ



Қурилишга бош пудратчи этиб шахар ободонлаштириш бош бошқармасига қарашли махсус таъмир йўл кўприк қурилиш бошқармаси тайинланган бўлсада, лекин йирик

мажмуани бунёд этишда жуда кўплаб қурилиш ташкилотлари қатнашди. Бунёдкорлар буюртмаларини ўз вақтида бажариб беришга интилган бир қатор корхоналар ҳам борми, бугун биз уларнинг номини бажонидил тилга олгимиз келади. Хусусан шахримиздаги энгил металл конструкциялари заводи бозорнинг устки қисм бос тирмаларини тайёрлаб берган бўлса, «Подоёмник» заводи ва «Тарх» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси пештахталарни етказиб берди. «Гермес» корхонаси хизматчилари эса пайванд ишларини бажаришди. Савдога чиқарилган кийим-кечақларнинг кўрғазмаси учун манзарали илгичларнинг савдо жихозларини ишлаб чиқарадиган корхона тайёрлаб берди.

Бозоримизга Чорсу томондан қираверишдан тортиб то бозорнинг асосий мажмуиғача бўлган қисмини кийим-кечақлар растаси эгаллаган эди, — дейди бизга «Эски Жува» бозори очик турдаги хиссасдорлик жамияти бошқа-

Хабарингиз борми?

рувининг раиси Маъруф Ойхўжаев. — Бу жой ўта гавжум бўлишига қарамай савдо-сотик учун жуда ноқулай эди. Буюмларга ҳар томонлама тўлиб кетган йўлқалардан харидорлар зўр-базўр юриб ўтишарди. Улар учун етарли шароит йўқ, сотиладиган буюмлар кўрғазмаси ҳам ночор аҳволда эди. Хорижий ўлкалардан тез-тез келиб турадиган меҳмонларга уш-

— Янги бозор неча ўринга эга?

— 2350 ўринли бўлиб, сотувчилар учун ҳам, харидорлар учун ҳам барча қўлайликларга эга. У баландликка жойлашгани учун тўрт томондан кўриниб туради. Бозорнинг олди қисмида харидорлар кириши учун хизмат қиладиган тўрт дарвоза ўрнатилган. Орақа томонда эса шундай дарвозалардан икkitаси бор.


Янги кийим-кечак бозори келажакда бундан ҳам чиройли қиёфа кашф этади. Чунки бу ерда ҳали қурилиш тугалланмаган бинолар, хизмат уйлари мавжуд. Булар — маъмурий бино, маиший хизмат уйи, чойхона, омборхона мажмуаларидир.

Янги бозор ўзида 29 та аркни бирлаштирган бўлиб, уларнинг ҳар бири икки қатор савдо расталарига эга. Ҳар қаторда эса 30 тандан 57 тага-ча савдо ўринлари бор.

Харидорлар ва сотувчилар билан суҳбатлашдик.

— Шундай кошонани қуриб берган ҳукуматимизга минг раҳмат, — дейди харидор, кўп болали она Шохиста Отажонова бизга.

— Олдинги тор, ноқулай расталарда қисиниб-қимтиниб буюмларимизни сотишга жуда қийналардик. Янги бозоримизда эса ҳамма шароитлар муҳайё, — дей-



ни тез кунларда қуриб битказдик. Ҳозир барча турдаги кийимлар савдо-си шу ерга кўчирилди.

Эски кийим-кечак бозори ўрнида ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. У ер яшил зонага айлантирилиб ўзига хос сайилгоҳ кўринишига эга бўлади. Бозоримизга келган инсонлар шу ерда ҳордиқ чиқариб дам олишлари мумкин.

ди сотувчи Дилшода Умарова.

— Бу ҳаммаси Мустақиллигимиз шарофати. Истиклол берган неъмат, — дейишди сотувчи ва харидорлар бир овоздан.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

СУРАТЛАРДА: янги кийим-кечак бозорида.

Рустам Шарипов олган суратлар.

КАСБНОМА ЕТАКЧИ ВА КЎМАКЧИ

Ўзининг йўловчилар учун қулай ва тезюрарлиги билан пойтахтимиз аҳолиси ўртасида ишонч ва эътибор қозонган Тошкент метросининг учинчи «Юнусобод» йўналиши ишга туширилиши жуда кўпчилик интиқлик билан кутмоқда. Чунки бу йўналишда бунёд этилаётган яна 6 та бекатнинг ишга тушиши жамоат транспортдаги ҳозирги муаммоларга анчагина барҳам бериши турган гап. Ер ости қасри қурилишида айни кунларда 2000 нафардан ортиқ метро қурувчи баракали меҳнат қилиб, одамлар манзилини яқин қилиш ниятида тер тўқмоқдалар. Ана шу меҳнатсеварлар орасида «Тошметроқурилиш»га қарашли 1-қурилиш бошқармаси пардозловчилар бригадаси бошлиғи, самарали меҳнатлари эъзига 1997 йилда Президентимиз Фармони билан «Меҳнат шухрати» орденига сазовор бўлган инсон Зокир Абдуллаев ҳам бор.



Зокир Абдуллаев мактабда ўқиб юрган даврларидаёқ қурувчилик касбига меҳр қўйди. Пойтахтимизда қурилаётган улкан биноларда пардоз ишларини бажарувчи тоғасининг ишларига Зокир-жоннинг қизиқиши тобора ортиб борди. Шунинг учунми, у тез-тез тоғаси билан қурилишларга бориб, унинг ишларини кузатиб турарди. Кейинчалик кўзи пишиб у-бу ишларда тоғасига ёрдам бера бошлади. Кейинчалик эса тоғаси уни ўзига ёрдамчи қилиб олди.

— Пардоз ишлари барибир ҳам мураккаб, ҳам қизиқарли, — дейди Зокир Абдуллаев ўша илк ишлаган даврларини эслаб. — Ўзимнинг ишларимни эринмай адо этардим, кейин эса қараб қалбим тўқинланиб кетарди. Ҳозир ҳам худди шундай, ўз ишимдан қониқиб ҳосил қилсам, ҳақиқатан ҳам қўриб кўз қувнайди пардоз ишларини бажарсам бир олам севинаман. Бу, албатта, касбимни севганимдандир. Тўғри, қурувчилик оддий касб, лекин унинг фақат касб эгасига бoғлиқ мураккабликлари талайгина. Энг муҳими эса, одамлар учун, уларнинг фаровон яшашлари учун ишлаётганининг сезишини ўзи катта бахт. Чунки қурувчилар чинданам халққа керак одамлар. Айниқса, гўзал ер ости қасри — метро қурилишида қатнашаётганимдан мамнун бўлиб кетаман. Ахир меҳнатнинг мевасини барча кўради, у авлодларга ҳам қолади.

Ҳозирда Зокир Абдуллаев ўз ҳаётини завқли меҳнатсиз, қурувчи дўст-биродарларисиз тасаввур эта олмайди. Армиядан кейин тўғри қурилишга ишга келган Зокир Абдуллаев 1975 йилдан буюн метро қурилишида ишлайди. Бу хушхалқ, барча ишни бекум кўст урдадай оладиган, барчага меҳрибон йигитни бригада аъзолари ўзларига сардор этиб тайинлаб адашмадилар. У 23 йиллик меҳнат фаолияти давомида ўзининг барча қирраларини тўла намоён этди. Бу олий тоифадаги сувоқчи-бўёқчи касб сирларини ёшларга ҳам эринмай ўргатади.

Зокир Абдуллаев раҳбарлигидаги пардозловчилар бригадаси аъзолари «Со бир Раҳимов», «Чилонзор», «Мирзо Улугбек», «Ҳамид Олимжон», «Навоий», «Ойбек», «Космонавтлар», «Тинчлик» ва бошқа кўпгина бекатларни ўз вақтида, шу билан бирга сифатли қилиб безашда ҳамма илгорлар сафида бўлишди. Бугун кўрса дил қувнайдиган ҳар бир бекатлар қурилишида уларнинг муносиб

улушлари бор.

— Метро қурилишидан ташқари бошқа бунёдкорлик участкаларида ҳам ишлашга тўғри келади, — дейди бригадир фахр билан. — Ана шунда биз ниҳоятда масъулият билан ишлашга яна бир бор интиламиз. Чунки буюртмачи, энг муҳими одамлар ишимиздан ранжишмасин. Қўл учида иш бажариш мен бошқараётган бригада ишчиларига ёт нарсаси. Шу туфайли ҳам энг масъулиятли қурилишлар — Олий Мажлис биноси, Амир Темур ҳайкали қурилишларида фаол қатнашдик. Алишер Навоий бобомизга ўрнатилган ёдгорликдаги расмларни бригадамизнинг қўли гул усталари безатишди.

Зокир Абдуллаев ва унинг бригадаси жамоада ўз ўрнига эга. Бунинг барчаси камтарин ҳамда ишбилармон бригадирнинг саъй-ҳаракатлари, бригадани бошқаришдаги уддабуронлиги туфайли десак янглишмаймиз. Чунки бригаданинг ахил жамоаси ҳамма ўз сардорлари ҳақида тўқинланиб гапиришади.

— Бригадамиз бошқа жамоаларга ўхшаши мумкин, лекин бригадиримиз бошқалардан бўлакча, — дейди пардозловчи Галина Григорьянц. — Унинг ўзи барча ишларни бажара олади, — қурилиш материаллари ҳақида қайғуради, бизнинг бўш туриб қолишимизга асло йўл қўймайди. Сoғлиғимизни ҳам сўраб туради.

— Зокир Абдуллаев одамлар билан муомала қилишда юксак талант эгасидир, — дейди бўёқчи Зухриддин Миржалилов. — Унинг сўзлари ва қилаётган ишларини кўриб барчамиз ўрнак оламиз. Энг муҳими, у кишидан бир-биримизни ҳурмат қилишни ўрганамиз. Бундан ташқари бригадиримиз смена охиригача ишни тугатолмаган ҳамкасбига доимо ёрдамлашади.

Ҳа, бригада аъзоларининг барчаси Зокир Абдуллаевнинг меҳнатсеварлиги, яхши муомаласи, ҳар бир ишни маромида бажаришини айтишиб, «ҳақиқий бригадир» деб қўйишди. Уларнинг гап-сўзларидан бригада сардорини ҳурмат қилишлари сезилиб турибди.

Айни кунларда бу ахил жамоа пардозловчилари қурилиш-тиклаш ишлари яқунланган «Мингўрик» метро бекатида гайрат кўрсатиб ишлашмоқда. Ишчан ва уста сардор эса уларга бош-қош ва кўмакдош.

Шарифа ИЛЁСОВА.

СУРАТДА: Зокир Абдуллаев.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни исрофгарчиликларга йўл қўймасдан ихчам ва тартибли ўтказиш тўғрисидаги Фармонининг эълон қилиниши мустақил давлатимизнинг бутун аҳолисини жуда мамнун қилди. Эл қалбидеги айни муддао бўлмиш ушбу Фармоннинг Ислон арқонлари билан уйғунлиги, «Камтарга камол, манманга заво!» деганларидек, исрофгарчилик, манманлику шухратпарастлик, бидъату хурофотларнинг қандай оқибатларга олиб келиши ҳусусида биз Тошкент шаҳрининг бош имом-хатиби Абдуқодирихон Мардонхожи ўғли Хайдаров билан суҳбатлашдик.

— Тақсир, шукрки, юртимизда тўкинчилик, фаровонлик ҳукм сурмоқда. Бироқ тўқликка шўхлик, деганларидек, айрим шухратпараст, манманликка берилган мансабдор ва бойваччаларнинг эл-юрт, маҳалла-қўйни менсимасдан исрофгарчиликлару беҳуда сарф-харажатларга берилган ҳолда дабдабали тўй-маъракаларни ўтказиб, кўпчиликнинг ўринли нафратига сабаб бўлмоқда. Айтингчи, Қуръони аҳрим оятлари ва шариат аҳкомларида бундай номаъқулчиликларга нисбатан қандай ҳукмлар бор?

— Бисмиллаҳи роҳимани роҳийм. Оллоҳга ҳамду санолар, пайгамбаримизга саловатлар бўлсинки, бизларни мана шундай хур дийоримизнинг хур фарқоси этиб, ўзининг муқаддас китобининг соҳиби, ҳабибининг уммати қилиб яратди. Шундай улуг неъматларга шукроналик қилиш ўрнига уларнинг қадрига етмайдиган, дини исломни рўқча қилса-да, ўзи ҳар хил бидъату хурофотларга берилиб, урф-одатларимизни оёқости қилаётган, ўзини мўминман, мусулмонман деб эълон қилиб шариат қондаларига бутунлай зид ишларни амалга ошираётган мунофиқларга нисбатан муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов томонидан тўй-маърака маросимларини ихчамлаштириш борасида чиқарилган Фармон халқимизга, диндорларимизга, олиму уламоларимизга жуда маъқул шудир.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан дабдабозлик ва исрофгарчиликлар, бидъату хурофотларга қарши, никоҳ тўйларини, ақика ва маърака маросимларини қандай ўтказиш юзасидан фатволар чиққан эди. Бугунги кунда уларнинг барчаси уламолар кенгаши томонидан қайта қўриб қилинмоқда. Йўлбошчимиз Фармонларини, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг фатволарини халқ оmmasига етказиш, ҳаётимизга мустаҳкам татбиқ этиш борасида шаҳар масжидларининг имом-хатиблари белларини маҳкам боғлаб астойдил ишга киришдилар.

Шуни таъкидлаш жоизки,

Президентимиз Фармонларини тўй, маърака маросимларини ўтказмаслик керак деган маънода қабул қилиш хато бўлади. Фақат улар шариату динимиз,

қарз, ҳам фарз.

Ачинарли томони шундаки, маҳаллаларимизда маърака маросимларини исрофгарчилик билан ўтказадиган маҳалладорларимиз ҳам топилади. Ўз эҳсонини манманлик билан эҳсон қилдим, деб кибр-ҳаво ила ҳавога учириб юборадиган, савобидан бебаҳра қоладиган ҳолатларнинг ҳам шохиди бўлиб турибмиз. Шунингдек, тўйларининг ҳам ҳоҳ у суннат, ҳоҳ никоҳ тўйи бўлсин шариатдан чиққан ҳолатда Фармонга зид бўлаётганининг ҳам гувоҳимиз. Бу ношукрчиликларнинг, исрофгарчиликларнинг олдини олишни давлатимизнинг ҳар бир фуқароси, ҳар бир аҳли иймон, аҳ-

ҳам, маблағи ҳам айтилмаган. Садақа, эҳсон қилиш мумкин, лекин уларга такаббурлик арамлашмасин. Пайгамбаримиз ҳадиси шарифларидан келиб чиққан ҳолда аввал ўзимизга, сўнг аҳли аёлимиз, бола-чақаларимиз ва қариндош-уруғларимизга эҳсон қилишимиз лозим экан. Ислон динида марҳумларни фақатгина пайшанба, якшанба кунлари, етти, йигирма, қирқ кунда ёки бир йилда эсланг деган кўрсатмалар йўқ. Динимизда пайгамбаримиз томонидан айтилган «Эҳсон, бу — бир ширин сўздир» деган ҳикматлар ҳам бор. Ош дамбаб етти маҳаллага беришлик, бу ҳозирги кундаги манманлик, кибр-ҳаво,

қилсақ хонадонимизга, рўзгори-мизга файзу барака кирасеради.

— Тақсир, Президентимиз Фармонларидан келиб чиққан ҳолда тўй ва турли маросимларни ихчам ва исрофгарчиликларга йўл қўймаган ҳолда ўтказиш юзасидан жойларда имом-хатиблар томонидан амалга ошириладиган ишлар режаси тузилганми?

— Албатта. Бу борада имом-хатибларимизнинг кенг кўламдаги ишларни амалга оширишларига қилиш олиқ. Ҳусусан, шаҳримиздаги барча жомеъ масжидларнинг имом-хатиблари тўй-маъракаларни ихчам ва исрофгарчиликларга йўл қўймаган ҳолда ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонини ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг фатвосини кенг тарғиб ташвиқ қилиб, унинг моҳиятини халқ оmmasига мунтазам тушунтириб борадилар.

Имом-хатибларимиз мусибат етган хонадон аҳлига етти, йигирма, қирқ каби маросимларнинг бидъат эканлигини тушунтириб, оила иқтисодига зарар етказмайдиган ҳолда, бирор марта хайр-эҳсон қилишлари шариат кўрсатмаларига мос равишда эканлигини ўқитириб боради.

Тошкент шаҳридаги туман ва маҳаллаларда маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари билан ҳамкорликда имом-хатибларимиз йиғилиш ва ўрашувлар ўтказиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси фатвосининг асл моҳиятини кенг очиб бериш мақсадида, унинг эл манфаати ва маънавияти юқалишида тутган ўрни ҳақида маърузалар қилишлари назарда тутилди.

Муқаддас динимиз, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва аъёналаримизнинг асл моҳиятини таъсирчан мисоллар асосида кенг халқ оmmasига етказиш мақсадида Ўзбекистон радио ва телевидениеси орқали чиқишлар қилинми.

Маҳаллалардаги тўй ва маросимларга мутасаддилик қилувчи маҳалла фаоллари билан имом-хатибларимиз мунтазам равишда ҳамкорликда фаолият кўрсатишлари ҳам режаларимиз қаторига қиради. Мақсадимиз мустақил, фаровон юртимизда фуқароларимиз исрофгарчиликларга, манманликка берилмаган ҳолда ҳаёт кечирishларига оз бўлса-да ўз ҳиссамисини қўйиш.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур, Оллоҳ бизларни бундан ҳам зиёда қўлларга етказсин.

Дилшод ИСРОИЛОВ
суҳбатлашди.

Фармон ва ижро

ЯРАТГАН ИСРОФГАРЛАРНИ АСПО ДЎСТ TUTМАЙДИ

қадриятларимизга хос ва мос бўлсин. Зеро, дини исломда тўй, маърака маросимларини шариатда кўрсатилгандай қилиш-ликка руҳсат бор. Ушбу тўй, маъракалар исрофгарчиликлар, бидъату хурофотга олиб келадиган бўлса уларни исломда йўқ маросимлар деб тушуниломи керак. Инчунун, Ҳақ Субҳонаху Таоло ўз каломида бандаларини огоҳлантирган ҳолда шуни марҳамат қилади: Агар берган неъматларимга шукр қилсаларингиз бу неъматларимни сизларга янада зиёда қилурман, бориюнош шукрчилик қилсаларингиз жуда қаттиқ азобим бордир, дейди. Яратганнинг мана бу ҳукмидан биз тегишли ҳулоса чиқаришимиз керак. Зеро бу истиклол, тинчлик неъматини, тўкин-сочинлик неъматларининг қадрига етиб исроф қилмасликнинг шукрини адо этиш тўғрисида Оллоҳ ўз ҳукми билан бизларни огоҳ этипти. Бошқа ояти қаримада Оллоҳ енглар, ичинглар, лекин исроф қилманглар, Оллоҳ Таоло исрофгарларни асло дўст тутмайди, дея марҳамат қилади. Бу ояти қарима шу неъматлар, тўкин-сочинлик, мол-дунё яратган томонидан берилган экан, уларни тежаб оқилона сарф-харажат қилишимизга ҳақаридаган ҳукмдир. Пайгамбаримиз Мухаммад Мустафой Саллоллоҳу Алайҳи Васаллам ўз ҳадиси шарифларидан ҳам исрофгарчиликларга қарши қўл тавсиялар баён қилганлар. Масалан, Ҳабиби Оллоҳ: «Эй умматларим, енглар, ичинглар, садақа-эҳсон қилинглр, лекин уларга исроф ва такаббурлик аралашмасин», дейдилар. Мана бу Оллоҳнинг ҳукмларини пайгамбаримизнинг сўзларидан биз мўмин-мусулмонлар ҳулоса қилиб олоқлик ҳам

ли ислом биродарларимизнинг бурчи деб тушуноқлигимиз керак. Оллоҳ Таолонинг ношукрларга азобим қаттиқдир, деган ҳукмидан келиб чиққан ҳолда ҳурматли Президентимиз ўз фуқароларининг бу дунёси ва охи-ратлари обод бўлсин деган ниятда юқоридаги ояти қарималарини ҳаётга татбиқ этгани учун уларга ҳам беҳад ташаккурлар билдирамиз. Оллоҳ: ҳоҳ моли, ҳоҳ мансаби билан манманлик қилган, кибр-ҳавога берилганларни мен яхши кўрмайман, деб ҳам марҳамат қилади. Бу ҳам бизларни манманлик, мансабпарастликдан эҳтиёт бўлишга ҳақаридаган яратганнинг ҳукмидир.

Оллоҳга шукрки, юртимизда, ҳусусан шаҳримизда шу ҳукмларга риоя этган ҳолда исрофгарчиликлар қилмайдиган кишилар ҳам топилади. Зеро, эҳсонларини ўз керакли жойига — етимхоналар, мактаб, боғчалар қурилиши, таъмирланишига сарф қиладиган бой-бадавлат биродарларимизни кўриб кўзингиз қувнайдик, дилингиз равшан тартади. Афсуски бойларимиз со-ни кўп бўлса-да, эҳсонларни бундай жойга берадиганлар саноқлидир.

— Утганлар хотирасига бағишланган етти, йигирма, қирқ, йил каби маросимлар Ислон динида қандай озоҳланади? Умуман, маърака маросимларини адо этиш тўғрисида батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз. Шариат қондаларига кўра ортиқча маблағ эҳсон тариқасида қандай йўللарга сарфланиши мумкин?

— Шариат аҳкомларида уч кунгача мотам эълон қилинган. Шариатда эҳсон қилиш кўни белгиланмайди, унинг ҳажми

исрофгарчиликка йўл қўйиладиган ҳолатдир. Шариатимиз кўрсатмалари ҳам шунга ҳақарида: етими бор хонадонларга ўзини мўмин, мусулмон деган ҳар бир инсон ёрдам бериши керак. Минг афсуслар бўлсинки, етим болалар бор хонадонларда шариатимизга зид бўлган бидъат эҳсонлари қилинаётганлигининг ҳам гувоҳи бўляймиз. Биз ула-молар бундай исрофгарчиликлар, номаъқулчиликларга илгари ҳам қарши бўлгандик, ҳозир ҳам бунга қарши иш олиб бераверамиз. Бутун сайъ-ҳаракатларимизни Президентимиз Фармонлари, шариат ҳукмига асосан олиб борамиз.

Кимларга эҳсон қилиш тўғрисида узоқ гапиришимиз мумкин. Бой-бадавлатларимиз учун сарф-харажатлар шариат кўрсатмаларида ҳам бор. Энг аввало, бойларимиз сони кўпаяверсин, биз бу борада доимо дуодамиз. Бироқ маҳаллаларимизга кириб қуриб. Катта ош дамбаб етти маҳаллага беришга қурби етар-диган, шундай маблағга эга биродарларимиз маҳаллаларимиз йўллари, қўмилли кетган ариқларини очиб ободончилик, боғроғлар тиклаш, болалар учун ўйингоҳлар қуришга ортиқча маблағларини ишлатсалар нур устига нур бўлмайми? Умуман мактаб, боғча, шифохоналар қуриш, толиби илмларга маблағ сарфлаб-эҳсон-қилиш садақаи жорияга қиради ва ушбу ариқлар қуригунча мактаблар бузилгунча шу ишларнинг савоби тегиб тураверади.

Пайгамбаримиз айтганлар: ишларнинг энг яхяси ўртасидир. Бойим, фақирим, у эҳсон қиладими, ибодат билан шуғул-ланадими ўртаҳол бўлишлик жуда чиройлидир, дея таъкидла-ганлар. Шунга ҳаётимизда амал

лаётган эди-да, — деб гапга аралашди доцент Саттор домла. — Биргина ўғил уйлантиришни олайлик. Авваллари никоҳ қуни қўвнинг жўралари йиғилиб ярим қосадан шўрва ичиб, ўйин-қўлги билан келиннинг уйида меҳмон бўлиб қайтар эди. Жўралар қўвни янгаларга топшириб уй-уйларига тарқалар эди. Кимдир «Қизил тўй»ни ўйлаб чиқди. Кимдир Болтиқ бўйида тўй ҳисобланган ЗАГС маросимини ҳаётимизга олиб келди. Бу бойваччалар, амалдорлар учун орзу-ҳавас бўлса, ўрта ҳол инсонлар учун қарзга ботиш деган гап...

Суҳбат қизигандан қизиди. Маҳалла оқсоқоли Толибхожи Каримов маҳалладорлар фикрига яқун ясади:

— Хуллас, бир сўз билан айтганда, Президентимиз катта ва хайрли хуж-жатга имзо чекидлар, ҳаётимизда бундан буён ҳам ижобий томонларга каттадан катта силжишлар бўлишига иймонимиз қомил.

...Давра суҳбатидан ўзимни жуда енгил сезиб, яхши кайфият билан уйга кириб келганимда вақт алламаҳал бўлиб қолган эди...

Ботирхонхожи ҲОЖИХОН ўғли,
Тошкент шаҳар,
Ақмал Исрофов тумани,
«Янгиобод» маҳалласи фаоли.

Хизматни тугатиб остонага қад-дам ҳам қўйган эдимки, рафи-кам Мунирхон:

— Дадаси, чарчамай келдин-гизми, кечки таом тайёр бўли-шига бироз вақт бор. Фурсатдан фойдаланиб келиннингизнинг бо-лалар нафақа пули учун маҳал-ладан маълумотнома олиб кел-сангиз, — дея уй дафтари кў-лингизга тутқазди.

Маҳалла кўмитаси уйимиздан 5 да-қиқали йўл бўлгани учун елкамга чо-понни ташлаб маҳалла гузари томон йўл олдим.

Маҳалла гузари одамлар билан га-вжум, кўмита котиби Анвархон ака улар-га нималарнидир тушунтирар эди.

Салом беришга улгурмаган ҳам эдимки, маҳалла оқсоқоли Толибхожи Каримов бирдан:

— Зап вақтида келдингиз-да, мас-лаҳатлашадиган гаплар бор, — деб қолди ва сўзида давом этди:

— Ҳозиргина Президентимизнинг Фармонлари телевидордан эълон қи-линди. Дўстим, бу улуг Фармон бўл-ди, ўрта ҳол, камхар инсонларнинг бағрига шомол тегадиган бўлди энди.

Шу пайт маҳалла котиби, шоиртабиат Анвар Ҳожионов Фармонни тушунтира кетди:

— Укажон, ҳозиргина Йўлбошчимиз-нинг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда шухратпараст-лик, дабдабозлик, исрофгарчилик-

стлик билан ўзини дабдабали кўрсатиш учун иш қиладиганларни ҳамда исроф-хўрларни ёмон кўришни кўп оятларда зикр қилиб айтган. Президентимизнинг кўйиниб айтган сўзлари айни дилимиз-даги гаплардир.

Мана, оддий бир мисол: Саудия Ара-

Муносабат

МАҲАЛЛА ГУЗАРИДАГИ ГУРУНГ

нинг олдини олишга доир Фармонлари эълон қилинди. Мана шу бир пиёла чой-ни ичиб бўлгунингизча «Ахборот»да яна такрорланади, ўз қўлогингиз билан эши-тасиз.

Ҳаммамиз телевидениедан ўқиб эшиттирилган Фармонни катта қизиқиш билан тингладик.

Юзимдаги мамнунлиқни сезган Сид-дикхўжа ака:

— Қуръони каримда ҳам Оллоҳ таоло ёмон кўрган ва ёқирмаган кишилар қа-торига мутакаббир, яъни шухратпара-

бистонида марҳум ҳурмати фақатгина дафн маросимида адо этилади. Ҳаждан келгач, роса китобларни варақладим, уламолардан сўрадим, аммо етти, йи-гирма, йил оши, фасл худойилари, пайшанба, якшанбалик каби расм-ру-сумларга жавоб топа олмадим. Билма-дим, бизда буним ким тўкиб чиқарган экан? Тавба қилдим, маъракалар уй қо-либ, рестороанларда, қавахоналарда ўт-казилишига ёқа ушлайсан киши.

— Шундай шухратпарастлар туфайли ўрта ҳол инсонларнинг бели букилиб қо-

Дунёда нима кўп — касб-хунар кўп. Бинобарин ҳар қандай касбнинг ҳам ўзига яраша гашти бўлади. Худди ана шундай таърифи матбаачилик касбини эгаллаган кишилар шаънига ҳам айтса бўлади. Мана, қирқ беш йилдирки, Сайдулло Қосимбеков матбаачилик касбини эъзозлаб келаяпти. Унинг Тошкентдаги 1-босмахонага ишга келганига қирқ беш йилдан зиёд вақт ўтди. Ана шу йиллар мобайнида у бир қанча хитососликларни эгаллади. Хуллас, бир сўз билан айтганда, Сайдулло ака ўз касбининг ҳақиқий устаси ва чин фидойисига айланди. Шу боисдан ҳам корхонада унинг номини ҳам-ма ҳурмат билан тилга олади. Бу ерда ҳам яна шуни таъкидлаш керакки, Сайдулло Қосимбеков ўзининг узоқ муддатли иш фаолияти давомида қўлпаз шогирдлар етиштирди. Эндиликда бу шогирдлар ҳам ўз касбининг усталарига айланишган.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) Мавлуда Нишонов, Зиё-вуддин Мавлонов, Сайдулло Қосимбеков, Мавлуда На-зарова ва Хилола Тожиева ҳозиргина босмадан чиқ-қан маҳсулотни кўздан кечирishмоқда.

Равиль Альбеков олган сурат.

Ўзбек адабиёти — «Оқшом» учун

Ҳожиакбар ШАЙХОВ



(Мистик-фантастик романдан парчалар)

«Оқшом» газетасининг доимий муаллифларидан таниқли ёзувчи, ўнлаб фантастик хикоялар, қис-салар, пьеса ва роман-лар муаллифи Ҳожиак-бар ШАЙХОВ яқинда ўзи-нинг «Туташ оламлар» номли мистик-фантастик учлигининг иккинчи кито-би — «Икки жаҳон овора-си» номли романини хо-тимасига етказди. Воқеа-лари нафақат Ерда, бал-ки руҳият дунёси, латиф оламда ҳам кечувчи бу асарда адиб бадний адабиётдаги мангу мав-зулар — эзгулик ва ёвузлик, нур ва зулмат, меҳр-оқибат ва ғараз-ҳасад ўртасидаги зиддиятни тас-вирлаш орқали уйғун камол топган Инсон тинимсoli тадрижини истифода этишга интилади.

У дунё-бу дунё ҳеч нарса изсиз қолмайди, дея таъкидлайди муаллиф. Ҳар қандай гуноҳи азимга йўл қўйган одам икки жаҳон овораси бўлиб, ўз қил-мишлари учун бу дунёда жавоб бермаса, вақти-соати етиб, боқий руҳлар оламида жазосини олади. Бугина эмас, ўз гуноҳи туфайли зурриёдлари ва келгуси авлодларини ҳам қасосфатга йўлқити-ради, деган фикрни адиб ҳозирги ирсият фани ютуқ-ларига таянган ҳолда илмий далиллаб беради.

МАҲФИЙ БИТИМ

Икки кундан бери Гулшода бонунинг кўнгли хуф-тон, ўзини қаерга қўйишни билмасди. Назира билан ўтказган мурокаба амалидан шу нарса аён бўлдики, жин чалган ўша лаянати ака-укалар ҳадемай унинг уйига бостириб киришлари керак. Қуриб кеткурлар ҳалғи баҳайбат мушукка, шалпангулоқ каламуш, кейин кўзойнакли ёлдор илонга ўхшаган инс-жинс-ларини ҳам бошлаб келишлари тайин. Ҳозирча биз-нинг уйда яшаб тура қолинг, деб Асад айтувди-я, хўп десамиз бўларкан. Мана энди осишга ҳукм қи-линган, энди эса, ўлимни кўтиб қаталакдай тўрт девор орасида сарғайиб ётган маҳбусдай фани қайғуга ботиб ўтирибди.

Шу чок чўзиқ-чўзиқ телефон жирингини эшитган бону, Асад бўлса керак, деган умидда жон тугу-лаб, дастакни қўлогига тутди. Ундан эшитилган овоз-дан юраги орқасига тортиб кетаёзди.

— Менга қара, мегажин, — дерди дастакдан эркак кишининг дўрилаган овози. — Ҳозир биз уйингга кетаяпмиз. Қочишининг фойдаси йўқ. Ер остида бўл-санг ҳам топиб оламиз. Эшикни қўлфлай кўрма, син-дириб бўлса-да, очамиз. Мишрабларга сим қоқиш-ни эса ҳаёлингга ҳам келтирма. Улар бари — ошна-оғайниларимиз. Қизалоқлар ўзингни олиб бориб, қаталакдек қафасга тиқиб қўйишади. Шундай экан, эшигингни очиб, тинчгина бизни кут. Ҳеч қандай ёмон ниятимиз йўқ. Ўзингга ҳам фойдаси тегадиган маслаҳатли бир гап бор. Келишдикми, опажон?

Азбаройи кўрқиб кетганидан Гулшода бонунинг тили танглайига ёпишиб қолгандай эди.

— Сендан сўраппман, гапир, қизалоқ! — қичқир-ди дағал «овоз» бирдан ғазабга миниб.

— Х... ҳа, — дея олди бону зўрга тили айланиб.

Шу заҳоти дастакда узоқ-юзоқ дуд-дудлаган то-вуш эшитилди.

Нима қилишни билмай буткул саросимага тушиб қолган Гулшода бону паришонхотирлик билан дас-такни жойига қўйди. Жувонмарнинг айтганини қил-маса, буларнинг қўлидан ҳар бало келади. Нима қилса экан? Маҳалла фаолларидан ёрдам сўраса-микин? Фойдаси йўқ. Улар маҳалла мишрабига рў-пара қилишади. Мишрабларнинг қаттақонлари би-лан эса буларнинг тили бир. Ўртада бутун маҳалла-қўйга гап-сўзу шарманда бўлгани қолади. Ҳа, айт-моқчи, ҳозирқо Асадга сим қоқади. Ҳамма гапни фа-қат ўша тушунади. Бирор чорасини ҳам топади.

У яна дастакни қўлогига тутди. Асадларнинг уйи-даги телефон рақамларини терди.

— Ассалому алайкум, опоқижон! Яхшимисиз? Эсон-омон юрибсизлами?.. Ўзига талкан... Ҳа, та-нидизми? Раҳмат. Асадхон уйдамила? Йўқмила?... Э-э... — Гулшода бону унга айтиб қўяверсамикин, деб бир зум ўйланиб турди-да, лекин дарров фик-ридан қайтди, тез гапида давом этди: — Ҳай, май-ли. Келиб қосала, дарров менга сим қосқина. Жу-да зарур иши бор экан, деб қўйсаяз бўлди.

Бону яна дастакни жойига қўйarkan, ташқарида ма-шина овозини эшитиб, баттар ваҳимага тушди. Югу-ра сола эшикнинг қўлфини очиб қўйди. Пулат эшик ясаттирмаганидан яна бир қарра афсусланди. Лаянатиларнинг яна нима иши қиқиб қолди экан? Қуриб кеткурлар, бир ишга киришишса, худди зу-лукдай ёпишишади. Яна кенжаси Назиранинг иши-да қуйиб-ёнаётганига ўласизми? Қуйиб-ёнамай гурда чиригур, ишқинг тушган экан, одамларга ўхшаб сов-чи юбор! Совчига ўлим йўқ-ку, ахир!..

Ташқарида, энди бу сафар худди деразасининг тағида яна машина овози эшитилди. Ака-укалар узоқ куттиришади. Машина эшиклари ёпилиши билан лаҳза ўтмай, эшик очилиб, Болтабой билан укаси кўринди. Кенжа укалари ташқарида қолгани чогй.

Гулшода бонунинг оёқларидан мадор кетиб, беих-тиёр ўзини ёнидаги наматга ташлади. Ҳолсизгина овозда:

— Келинглр, — деди-ю, озига танман қолгандай жим қолди.

Болтабой унинг тепасига келди-ю, баттар аёлни-нг ўтақасини ёриб, қўйнидан тўппонча чиқарди. Уни аста қафтида айлантирarkan, шошилмай гап бош-лады:

(Давоми 4-бетда).





(Давоми. Боши 3-бетда).

— Опажон, бу сафар сал бўлакча илтимос билан келдик. Бахром Шайх отанинг уйида бир сеҳрли тош бор экан. Ана шуни қўлга киритишда бизга кўмак беришингиз керак!..

Бу гапдан жон-пони чиқиб кетган Гулшода бону йиғлағудай овозда бутун вужудини титроқ босиб:

— Вой, нималар деяпсиз! — дея зорланди. — Ахир, у — илохий тош, ёмонликка ишлатас. Худо уради-я ҳаммамизни!..

— Худо урадимиз, йўқми, бизга фарқи йўқ, тош қўлимизда бўлиши керак, вассалом! — қичқирди Болтабой бирдан ҳаётда қайиб. — Бу ёғини бизга қўйиб берасиз!

— Жон ука, менга раҳмингиз келсин! Қўлимдан келмайдими бу иш!..

— Бизда қўлдан келмайдиган иш бўлмайдими! — кескин унинг гапини бўлди Болтабой ва тўппончасини чирпирак қилиб ҳавода айлантириб, шу заҳоти қайта илбид олди-да, сўнгра унинг совуқ нилини яшин тезлигида Гулшода бонунинг пешонасига ниқтади:

— Вой, ука... Вой, ука... Нима қилапсиз? Ахир, мени ажалимдан беш кун бурун... — деди титраб-қақшаб кўзларини жовдиратганча, бойвачанинг газбадан кўкариб кетган юзига жонсарақ тикилаётган бону. Болтабой яна ўдағайлади:

— Учир овозингни!.. Агар тақлифимни яна бир марта рад этсанг, қизалоқ, унда тамоом, ўзингдан кўр!..

— Жон ука, тўппончангизни олинг! — энди кўзларидан дув-дув ёш оқибди йиғлашга тушди Гулшода бону, худди безгак тутгандек бутун вужудини титроқ босиб. — Товонимга коласиз... Ҳозир юрагим ёрилиб кетади!..

— Уша пўк юрагингни ўзим ёриб қўя қоламан! — газаб билан бақирарди Болтабой энди тўппончасини унинг кўксига нуқиб.

Бундан бешбаттар дахшатга тушган бону худди шайтонлар қолгандай озғини катта оғанча, кўзлари олалиб, жонсиздай шалпайган гавдасини нимкатга ташлади. Аини шу чоғ юз берган ҳодисани гофил ака-укалар пайқамай қолдишди. Омонданини, ердани, — қаёқдандир ноҳос пайдо бўлган шалпангқулоқ каламушимон инс-жинс ўқдай отилиб, Гулшода бонунинг озғига кириб олди. Башоратчи худди тўлғоқ тутатган ҳомиладор аёлдек кучаниб, зўриқиб, танаи бамисоли илондай тўлганча, бурилиб-эшиллар экан, кўзлари қинидан чиқиб кетгудай баттар олайди. Пешонасидан совуқ тер сизиб чиққанида, у сал ўзига келгандай бўлди. Лекин энди у буткул бошқа одамга айланган: кўзлари шишадай совуқ йилтирар, афти-ангоридан қаҳр-газаб алангаси ёғилар эди. У Болтабойга заҳарханда билан тикиларкан, қўлидаги тўппончасини бир юлқиб тортиб олди, кейин унинг ўқдонидида ўқларини бир-бир чиқариб, ганимининг юзига сочиб юборди. Бундай ҳолатни мутлақо кутмаган Болтабой турган жойида тараша бўлиб қотиб қолганди. Чотлари орасига келиб тушган қақшатқич тепкидан орқасига ағдариларкан, кўзлари ола-кула бўлиш навабати бойвачага етганди. У авратларини чангаллаганча, боши билан деворга бориб урилди-ю, «шил» этиб гиламга кулади.

Остонада турган Тешабой бу манзарадан ҳайрат ва саросимага тушиб, ўзини Гулшода бонунинг устига олди, унинг ўнг қўлида пичоқ йилтирарди. Лекин башоратчи аёл энгил ҳаракат билан унинг ҳам тақимига тепиб, чап кафтининг қирраси билан йиғитининг қурол тутган қўлига кучли зарба берган эди, пичоғи учиб кетди, аини дамда ўзи ҳам гиламга ағдарилди.

Иккала босқинчини ҳам ҳўшсиз ҳолатга келтирган Гулшода бону ғайриоддий тарзда қаддини ростлаб, ошона томонга ўтди. Лаҳза ўтмай, қўлида чўмич кўтариб қайтиб кирди-да, аввал Болтабойнинг, сўнгра укасининг юзига совуқ сув пуркади. Кўп ўтмай, ака-укалар кетма-кет ўзларига келишди. Болтабой гуффа бўлган бошини ушлаганча, алланималар дея мингирлаб, ўрнидан тураркан, Гулшода бонуга энди кўркув ва саросима аралаш тикилди.

— Мошина пастдами? — сўради у бойваччага кўз қирини ташлашни ҳам лозим топпай, қийим-кечак жавони ёнига ўтиб, тап тортимай очина бошларкан. — Сеҳрли тошни ўзим ҳам ўғирлаш пайида эдим, лекин уйлаб-ўйлаб, сира бунинг йўлини тополмаётгандим. Сенлар баҳона энди уни қўлга киритамиз. Фақат...

Худди иштонини хўлаб қўйган болакайдек бўзрайиб турган Болтабой: «Нима фақат?» — деб сўраётгандай унга савол назари билан тикилди. Аини дамда башоратчи аёл ичқўлагини ҳам ечиб улгурган, яланғоч, билқиллаган оппоқ танасига жавондан олган кўзи атлас қўйлагини кия бошлаганди. Бойвачча унга кўз узмай тикиларкан, беихтиёр тамшаниб қўйди. Ака-укалар оғизларини очиб ҳўшсиз ётган паллада Иблисининг гўмашталари бўлмиш Нут билан Яос ҳам уларнинг вужудларига кириб улгуришган, бонунинг уйига йиғилганларнинг бари энди инс-жинслар ҳўқмида, пес-песни қоронғида топади деганларидек, уларнинг ўзаро тил топишиб кетишлари ҳам тулургандек бир гап эди.

— Фақат, — дея гапида давом этди Гулшода бону атлас қўйлагининг этакларини қоқиб, текислашга уринаркан, — биргина тошининг ўзидан фойда йўқ, унга қўшиб Назирани ҳам ўғирлаш керак. Ҳамма гап ана ўша ланнати қизда...

(Давоми бор).

Кўни кеча ишдан уйга трамвайда қайтаётган ногачон олдиндаги қаторда ўтириб кетаётган икки аёлнинг бири олиб, бири қўйиб нималарнидир муҳокама қилиб кетаётган суҳбатни мени ўзига жалб этди.

— Нафисахон, кечаги тўйни қаранг, бирам файзли, бирам чиройли ўтдики.

— Нимасини айтасиз, шунақан-ги ҳавасларим келиб кетдики. 5 та келин бири-биридан чакқон, бири-биридан гўзал. Ўғилларни айтмайсизми, бири-бирининг кўнлига қараб иш юритишяпти. Ҳаммамиз ҳам Омонуллага ака билан Альфия опа-ларга ўхшаб қўша қариб, ували-жували, пиру бадавлат бўлайлик.

— Қудаларни қаранг, ҳаммалари аҳил, ҳамжият. Эрталабки ошда ҳам 5 та қудалари Омонуллага аканинг ёнларида савлат тўкиб туришибди. Болаларининг адаси ҳам жуда ҳаваслари келиб чиқдилар.

Нимагадир шу оила билан танишгим келиб, суҳбатга аста қўшилдим.

— Кечирасизлар, суҳбатингизни бўлдим. Гапларингизга қараганда мактаса арзигулик оила экан. Уларни қаердан топсам бўлади?

— Вой, опахон, жуда яхши бўлади-да, биз улар билан бир маҳаллада истикомат қиламиз. Маҳалламиздаги ибратли оилалардан бири. Агар вақтингиз бўлса, уларни кўрсатиб юборамиз.

Мен розилик бериб улар билан трамвайдан тушиб қолдим.

— Опажон, манави уй уларники, ҳозир хонадон соҳибаси билан сизни таништириб қўяман.

— Альфия опа, сизникига меҳмон бошлаб келаяпман.

— Айланай сиздан, эшигимиз ҳаммиса сизлар учун очик.

60 ёшлардан ошган фариштали бир аёл билан таништирибди ҳамроҳим мени. Ҳовлига киришингиз билан ҳаммаёқ саранжом-сарништа, файзли хонадонлиги шундоққина кўриниб турибди. Ошхонадан ёшгина келинчақ югуриб чиқиб салом бериб кўришгач, уйга тақлиф қилди.

— Опажон, оилангиз ҳақида кўшиларингиздан эшитиб қолдим. Оилангиз ҳақида, босиб ўтган йўлингиз ҳақида, фарзандлар тарбияси ҳақида бироз суҳбат-

Кутуриш касаллиги юқумли касаллик бўлиб, у одамга асосан ит, мушук ва бурилар тишлаб олганда ёки одамнинг териси, шунингдек, шиллик пардаларига шу ҳайвонларнинг сўлагани тушиб қолганда юқадми ва марказий нерв тизимини қаттиқ шикастланиши билан бирга давом этади.

Кутурган итлар бу касаллик намён бўлганда жуда бесаранжом бўлиб қолади, ўз эгаларидан қочиб номўлал томонга кетиб қолади. Кўпинча ҳеч еб бўлмайдиган нарсаларни, яъни, таёқ, тош, латта сингариларни гажайди. Оғзидан сўлак оқиб туради. Бундай итлар одам ва ҳайвонларга ташлашиб тишлаб олиши мумкин. Шундан сўнг кутуриш вирус одам бадани-

нинг кутурган ҳайвон тишлаган жойидаги шикастланган тўқималар ёки сўлаган теккан терисиди ёриқлар орқали кириб лимфа йўллари, қисман қон томирлари орқали тарқалади ва марказий нерв тизими ҳамда сўлак безларига етиб бориб касаллик пайдо бўлади.

Шифокор оғоҳлантиради

ХАВФЛИ КАСАЛЛИК

Касалликнинг яширин даври 15—55 кунгача, айрим ҳолларда бир йилгача давом этиши мумкин. Шу ўринда шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, кутурганлиги аниқ бўлган ҳайвон тишлаб олса, жароҳатланган нерв тизими ҳамда кутуришга қарши албатта эмланишлари керак. Агарда кутурган ҳайвон одамнинг боши, юзи ёки бўйинини тишлаб олган бўлса касаллик аломатлари тезроқ намён

ютиш мускуллари рефлектор йўли билан спазмалик равишда қисқариб тортиб қолади. Натيجида одам сув ичмоқчи бўлиб уринганда бир қултум ҳам сув ича олмайдими. Худди шу вақтда ёруғликдан қўрқиб аломатлари ҳам пайдо бўлади. Бундай ҳолатлар ўлим билан тугайди.

Кутуриш касаллигининг олдини олишда касалликнинг асосий манбаи бўлган итлар устидан доимий ветери-

лашас.

...Альфия опа, жуда ёш отасидан етим қолган экан. Бутун оила қийинчиликлари акаси Асқар ака ва Альфия опа зиммасида бўлган. Кечки мактабда ўқиб, кундузи «Шарқ гули» фабрикасида шоғирдликдан ишни бошлаган ёш, тиришқоқ қиз тез орада поп-сирларини ўрганиб олади. Ширинсўзлиги, уddaбуронлиги билан ҳамкасабалари орасида ҳурмат қозонади. Акаси Асқар ака рўзгорни тўлдирса, у оила аъзоларининг қийим-кечакларига, ўқув қуролларига сарфлар эди. Шун-

«Аҳил опа — муқаддас Ватан» танловига

ҲАВАС ҚИПСА АРЗИЙДИ

дай қилиб, вояга етиб Омонуллага акага турмушга чиқади. Тақдирини қарангки, уларнинг қисматлари бир хил эди. Шунинг учун бўлса керак, улар бир-бирларини тушуниб, ҳамфикр, ҳамжият бўлиб яшади. Бирин-кетин фарзандлар туғилди. Озода, Иззатилла, Зикрилло, Ҳасан-Ҳусан, Зоиржонлар. Альфия опа 40 йилдан орттиқ «Шарқ гули» фабрикасида ишлаб, ўша ердан пенсияга чиққан. Омонуллага ака 45 йилдан орттиқ бир соҳада ишлаган.

— Альфия опа, Омонуллага ака билан турмуш қурганингизга 40 йил бўлибди — турмушингиздан ноланг пайтингиз бўлганими?

— Йўқ, бўлмаган. Биз ёшлигимиздан ҳамма нарсасига бардошли эдик. Болалар моддий томондан қийинчилигимиз деб кечаси болаларни ухлатиб иш тикар эдим. Адаси ҳам ҳаммиса рўзгоримиз бут бўлишига ҳаракат қилар эдилар. Мана, худого шўқ, ҳамма фарзандларимиз вояга етиб, оилани бўлишди. Ҳаммалари турли ташилотларда хизмат қилишди. Келинларим ҳам бири-биридан чакқон, ширинсўз, кўз тегмасин ҳаммалари жуда аҳил. 6 та фарзандим бола-чақаси билан келса хонадонимиз тўйга ўхшаб кетади. Кўз тегмасин бир этак набаириларим бор. Ҳаммалари бири-биридан ширин, бир-биридан доно.

Шу орада Ҳасан-Ҳусанлар ўғилчаларини етаклаб келиб қолишди. Бир зумда хонадон файзига файз қўшилиб кетди.

— Булар, «дом»да туришади. Эрталаб ишга кетаётганида ҳам, келаётганида ҳам кириб ҳол-аҳвол сўраб кетишади.

Келинлар — Гулчехра ва Нилуфарларни суҳбатга тортидим.

— Шу хонадонга келин бўлиб тушиб, қайнонагиздан нималарни ўрганингиз?

— Деярли ҳамма нарсани — уй тутишдан тортиб овқат тайёрлашгача, муомала маданияти, тежаб-тергаш — ҳамма-ҳаммасини ойи-жонимиздан ўрганганмиз. Бахтимизга ҳаммиса соғ-саломат бўлиб юришсин, умрлари узоқ бўлсин.

— Шаҳнозахон, мана сиз шу хонадонга келин бўлиб тушганингизга бир ойдан ошибди. Сиз шу оила ҳақида қандай фикрдасиз?

— Бахтли эканман, ана шундай пиру бадавлат хонадонга келин бўлиб тушдим. Билмаганларимни секин-аста ойи-жоним ўргатяптилар. Оиламиз тинч, ҳамма билан тезда тил топишиб кетдим.


— Альфия опа, оилангиз аҳиллиги, тинч-тотувлиги нимада деб ўйлайсиз?

— Аввало, уйнинг катталари оқила бўлиши керак. Керак-керасмас нарсасига аралашмаслик керак. Арзиманган нарсаси деб уй жанжалдан чиқмай қолади. Шунинг учун биттасини кўриб, иккинчисини кўрсатмаслик, биттасини эшитиб, иккинчисини эшитмаганликка олиш керак. Ҳадеб ишдан камчилик ахтараверсангиз турмуш муштга айланади. Ёшларга ҳам бироз эркинлик бериш керак. Шунда оила мустаҳкам, аҳил-иноқ бўлади.


Мен шу оилада бўлган бир-икки соат ичида ибрат олса арзийдиган, ҳавас қилса арзигудек хислатлар қўлгигина кўриб ичимдан қувондим. Аллоҳдан менга ҳам Акмал Икромов туманидаги Аббор Ҳидоятос маҳалласи, Фодуров тор қўчаси, 10-ўйда истикомат қилувчи Омонуллага ака Абдуллаевлар хонадонидидаги файзу баракат, тинч-тотувлик, ана шу хонадондаги келинларга ўхшаган оқила, меҳнаткаш, ҳаёли келинлар ато этишини тилаган ҳолда пиру бадавлат хонадондан чиқиб кетдим.

Нодира СУЛТОНОВА.

Танлов ҳомиysi —



фирмаси.



Нигоҳида севинч, қувонч жамланган.

Равиль Альбеков олган сурат.

Турфа олам

ХОТИНЛАРГА ИШОНСА БУЛАРКАН

Жуда қийин аҳволларга тушиб қолган эркакларнинг қулоғига гап кириши амри маҳол. Лекин маслаҳатга келган аёлларнинг гапига дарҳол қулоқ солишар экан. Авиацияда қўлланиладиган «Маслаҳатчи» дастурини тадқиқ этган инглиз мутахассислари шундай хулосага келишди. Таъриба давомда шу нарсаси бўлдики, учувчилар мушкул вазиятга тушиб қолганларида аёл товушини ниҳоятда тез, худди малҳамдек қабул қилишар экан. Ҳозир самолёт бортидаги компьютерларга ўзига хос дастур киритилди: оддий тавсиялар йўғон эркак товушида берилса, мушкул вазиятда эса аёлнинг майин товуши эшитилади.

ЭНГ ҚИЙИН САПОМ-АЛИК

Сайёрамиздаги халқларнинг урф-одатлари, расм-русулмари нақадар ранг-баранг-а! Бир хил халқ қўл сиқиб кўришади, бир хили эса қўлини кўксига қўйиб таъзим қилади, яна бир халқда эса бурнини ёноққа теккизиш одати бор. Масайлар эса кўришганда: «Сизнинг тўдангиз қандай ашаппти?» дейишади. Урфларга амал қилиш гоҳида машаққатга айланади. Бурун деган элатда қизик, лекин қатий одат бор: хотинлар эрларига отини айтиб мурожаат қилмаслиги, унинг исми унрайдиган ибораларни тилга олмаслиги шарт. Масайлар: эрнинг исми Ларетхони, яъни «томчи» бўлсин. Хотин шўрлик «ёғир томчиси» деган сўзни албатта «ёғир йиғиси» ёки «шудринг» қабилида айтиши керак. Бечора хотин-а!?

МАҲБУСЛАРИНИНГ «СЕВГАНИ»

Америкадаги маҳбуслар қандай китоб ўқишади: инжилми, Шекспирми, триллерми, фантастиками? АҚШ Адлия вазирлиги шу муаммо устида иш олиб бориб, барча камқоҳоналардаги кутубхоналарга анкета тарқатишди. Афсус, маҳбусларнинг кўпчилиги қисмининг илоҳийга ҳам, фантастикага ҳам, мумтоз адабиётга ҳам рағбати йўқ экан, улар кўпроқ аниқ фанларга ишқибоз эканлар. Сўралган китобларни қаранг: «Металл кесилиши» ҳозирги замон техникаси, «Чилангарлик ботида бошловчиларга қўлланма». Меҳнатсеварлик бундай бўпти-да...

ҚАҲВА ҲАММОМ

Қаҳвахўрлар одатда қаҳва тайёрлашнинг энг нозик сир-асрорларига билишади. Лекин энг ашаддий қаҳвасеварлар ҳам японча қаҳвани — айтарли сирини бўлма-са ҳам — яхши билишмаска керак. Қичкина ҳовуз ёки жуда бўлмаса ваннани олишади. Уни элик даражага киздирилган қаҳва доллари билан тўлдиршади. Шундан кейин 20-30 дақиқа унга қўмилиб ётлади. Қараб-сизки, ўзингизни ондан қайта туғилгандек ҳис қиласиз. Иссик ёзда тулроққа, қумга «тушиб» даволаниш ҳалқимиз орасида қадимдан маълум. Қаҳвага ҳам бир «қўмилиб» кўриш керакмикин?

Хориж материаллари асосида Тоҳир Йўлдошев тайёрлади

Бош муҳаррир уринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кўнлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўтловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаб эълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кўни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Тошкент шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи бешта нотариуслик лавозимига нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлганлар учун ўтказилаётган танлов давом эттирилади. Унда қатнашишни истаганлар бир ой муддат ичида Адлия бoshқармасига мурожаат қилишлари лозим.

Ҳамма туманидаги «Шер-Мир» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ** Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ХОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95,
132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, торшанба
ва ҳуфта
кўнлари чиқади.
Ҳафт кўрайдигани
209

Нашриг етказиб бериш
масаллари бўйича турар
жойлардаги почта
бўлимларига ёки «Тош-
кент почтаси»га 133-74-05
телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.